



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil 19-sentabr • №38 (4281)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ДУНЁГА ДОСТОН ДИЁР

Донишманд халқимиз юрт тинчлигини, кўнгил хотиржамлигини ҳар нарсадан устун қўяди. Ёши улугларимиз: “Тинчлик-хотиржамликка нима етсин”, “Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади” каби гапларни тез-тез такрорлаб турадилар. Болалигимиздан эшитган эртақ, мақол, маталларимизда ҳам тинчлик мавзуси батафсил ёритилгани бежиз эмас. Бунинг бебаҳо ҳикмати бор. Бутун мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг пойдевори ҳам асли тинчликдандир.

Америка Қўшма Штатларидаги “Gallup World” компанияси олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, юртимиздаги тинчлик-хотиржамликнинг барқарорлигига хорижлик замондошларимиз ҳавас қилса арзир экан. Сабаби, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида бизнинг республикамиз фуқароларининг тинчлик ва ҳавфсизлиги таъминлангани жиҳатидан дунёда биринчи ўринни эгаллаган.

138 мамлакат аҳолиси орасида сўровномалар ўтказган “Gallup World” компаниясининг “Ижобий таассурот-

Ўзбекистон ва жаҳон

лар кўрсаткичи” деб номланган бир тадқиқотида Ўзбекистон Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги орасида биринчи ўринни, дунёда 29 погонани банд қилган. Бу эса 34 ўринни эгаллаган Франция, 54 ўринни банд қил-

ган Буюк Британия, 60 ўрин дея тан олинган Япония каби жаҳоннинг ривожланган давлатларига қараганда ҳам юртимизнинг яхшироқ натижага эришганлигини англатади.

Халқаро ташкилотлардан яна бирининг кузатишлари диққатга молик. Шу йил июл ойида Америка Қўшма Штатларидаги “Huffington Post” интернет нашри томонидан дунёдаги сайёҳлар, албатта, бориши шарт бўлган 50 та шаҳарнинг номлари эълон қилинди. Улар орасида қадимий ва навқирон Самарқанд ҳам қайд этилган. “Шарқ гавҳари Самарқанд, — деб ёзади “Huffington Post”, — Буюк Ипак йўлидаги кўҳна шаҳар ва унинг Регистон майдонидаги медресалар ислом меъморчилигининг энг гўзал намуналаридир. Лондон ҳам ўзининг музейлари, кўча бўйларида жойлашган бозорлари ва молиявий маркази билан шундай шаҳарлар қаторига киради”, — дея қўшимча қилади интернет нашри.

Давоми иккинчи саҳифада.



Р.НАЗАРМАТОВ олган сурат

“Ёшлик” Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий-ижтимоий нашри журнали газетамиз меҳмони



НАВҚИРОН АВЛОД — ЕТАКЧИ КУЧ

Бугунги кун ёшлар адабиёти ҳақида сўз кетганда “Ёшлик” журналининг четлаб ўтишининг иложи йўқ. Зеро, ижодкорларнинг навқирон авлоди вакиллари айни шу журналда илк бор кўламли бўлғидек кўз очади, тилга тушади, эътибор топади. Уларнинг “Ёшлик”да

босилган шеър, ҳикоялари ижод сари ташлаган биринчи қадам, ўзига хос йўлланма, дейиш мумкин.

Юртбошимизнинг “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласидаги: “Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳиб-

ларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур”, деган даъвати бошқа адабий нашрлар қатори “Ёшлик” журналининг ҳам ҳаракат дастурига айланган. Чунончи, “Биринчи учрашув” руқни остида журналнинг ҳар бир сонидан уч-тўрт нафар бошловчи қаламкашнинг шеър ва ҳикоялари адабий жамоатчилик, ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётди.

“Ёшлик” журналі ўзининг шаклландириш мазмун-мундарижасига, ижодий тамойили ва муҳлислар даврасига эга. Нашрнинг мавзулар кўлами, муаллифлар доираси кенг. Хусусан, устоз шоир ва ёзувчиларнинг “Адиб хонадониди”, “Мулоқот” руқнларида берилаётган суҳбатлари, туркум шеърларидан ёшлар ўзига хос сабоқ олса, “Назм” ва “Наср” руқнларида турли авлод ижодкорларининг асарлари мунтазам босилмоқда. Албатта, “Ёшлик”нинг етакчи кучи, фаол муаллифлари адабиётимизнинг навқирон авлодидир.

Кейинги йилларда мазкур нашрнинг имкониятлари кенгайиб бораётир, са-

ҳифалари сони ортиб, сифатли қоғозда, қалин ялтироқ муқовада, икки хил рангда босилмоқда.

Албатта, юртимизда маънавиятга, адабиётга қаратилаётган эътибор, айниқса, ёшларга кўрсатилаётган ғам-хўрлик ўз самараларини бермай қолмайди. Чунончи бундан ўн-ўн беш йил бурун “Ёшлик”дан “оқ йўл” олган ёш ижодкорларнинг аксарияти бугун тилга тушиб, ўзбек адабиётининг навқирон ижодкорлари даврасини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, миллий адабиётни теран ва кенг дарёга қийсла-сак, унинг оқимида куч берадиган, сувини тозартириб турадиган ирмоғу жилғалар бу — ёш ижодкорлардир. “Ёшлик” журналі жамоаси уларни излаб топиб, асарларини танлаб, саралаб, муносиб тарзда тайёрлаб, адабиёт ихлосмандларига, ўқувчилар оммасига тақдим этишдек заҳматли ва шарафли ишни уддалаб келаятир-ки, бу ишда уларга илҳом ва ғайрат доимо ёр бўлсин, деймиш.

➔ 4

Ёзувчилар уюшмасида

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида “Истеъдод мактаби VI” минтақавий ёш ижодкорлар семинари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрида яшаб, ўқиб ижод қилаётган 18 нафар ёш ижодкор ўзининг назм, наср, публицистика ва болалар йўналишидаги ижодий ишлари билан қатнашди.

самараси ўларок, “Ижод” фонди ташкил қилиниб, мана бир неча йилдирки, “Биринчи китобим” лойиҳасида мамлакатимиз ёш ижодкорларининг китоблари юз минглаб нусхаларда чоп этилмоқда.

Тадбир доирасида ҳар бир ёш ижодкор ҳакамлар ҳайъати билан алоҳида иш олиб борди.

АДАБИЁТ ОСТОНАСИДА...

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очиб, ёш ижодкорларга ижодий парвозлар тилади. Давлатимиз раҳбари томонидан адабиётга берилаётган эътибор, айниқса, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек истеъдодли ёшларни излаб топиб, уларни рўёбга чиқариш уюшма олдига турган муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида қўллаб-қувватлаш сингари адабиётга ҳам юксак эътибор берилмоқда. Бунинг

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур минтақавий семинар юртимизнинг турли вилоятларида тўрт марта ўтказилган эди. Ушбу семинарда голиб, деб топилган беш нафар қатнашчи Ёш ижодкорларнинг “Дўрмон”да ўтадиган республика семинарига йўлланма олди.

Семинар сўнгидан иштирокчиларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан эсдалмаган бўлса, пул топа-ман, деб халқимизнинг одоб-ахлоқ қоидаларидан четга чиқмасликлари керак, деб ўйлаймиш.

Ўз ахборотимиз.

КИТОБ — БИРИНЧИ УСТОЗ



Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида “Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажиги” шиори остида “Болалар китоби” республика фестивали бўлиб ўтмоқда. Бундай анжуман республикамизда биринчи мартаба ўтказилмоқда. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад болалар адабиётини ривожлантириш, фарзандларимиз маънавиятини юксалтириш, қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуг-

лашга давлат даражасида эътибор берилаётганини кенг жамоатчиликка етказиш.

Фестивал доирасида маданият ва истироҳат боғининг турли ҳудудларида махсус майдончалар ташкил этилиб, уларда мамлакатимиз нашриётларида чоп этилган асарлар кўргазмаси ҳамда турли нуфузли халқаро китоб кўргазмаларида совринли ўрин эгаллаган китоблар тақдироти ўтказилди.

— Китоб — энг биринчи устоз. Болаларни китобхонликка ўргатиш учун уларни, аввало, музейларга, табиат бағрига, қолаверса, мана бундай тадбирларга олиб бориб, руҳлантириш, илҳомлантириш керак, — дейди Сергели туманидаги 300-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Воҳида Қодирова. — Дунёни гўзаллик кўзи билан севгучи қизалоқлару болаларнинг қувончи чексиз. Улар китоб байрами баҳона устозлар суҳбатига ҳам мушарраф бўлишмоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ҳар йили 2,5 минг номдан зиёд, умумий адади 40 минг нусхадан ортиқ турли китоблар нашр этилади. Мазкур адабиётларнинг ҳар учтадан биттаси бевоқиф болаларга бағишланган нашрлардир. Шунингдек, фестивал доирасида “Энг яхши ёш китобхон”, “Китобхон оила”, “Мўъжиза эмасдир фалакда офтоб, мўъжиза аслида беминнат китоб”, “Китоб — энг яхши совға” каби совринли интеллектуал ўйин ва викториналар, “Китоб ўқишни ёқтирасизми?” мавзусида ижтимоий сўровномалар ўтказилиши кўзда тутилган.

Тадбир иштирокчиларини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, шоир ва ёзувчилар, Зулфия мукофоти совриндорлари кутладилар. Тадбир доирасида ёш ижодкорлар билан учрашувлар, мушоира, матбаачилар билан мулоқотлар бўлиб ўтмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ОДОБНИ УНУТМАЙЛИК

Юртимизнинг сўлим ва баҳаво гўшаларида қўллаб-қувватловчи фаолият юритилмоқда. Ушбу масканлардаги шарт-шароитлардан, дам олишга келувчилар учун кўрсатилаётган хизматлардан юртдошларимиз соғлиғи тезроқ тикланиши шубҳасиз. Айниқса, мен дам олган Тошкентдаги сўлим “Чинобод”, Қибрай туманидаги “Қибрай” сўхатгоҳларида дам олувчилар учун ташкил қилинаётган турли маънавий-маданий тадбирлар, саёҳатлар, концерт ва учрашувлар уларнинг бўш вақтлари кўнгилли ўтишига сабаб бўлди.

Аммо сўхатгоҳларга концерт бериш ёки ўз санъатини намойиш этишга келаятган гуруҳларнинг репертуарлари ташвиш уйғотади. Чунки томошабинни қуддириш учун саҳнага чиқаятган қулги усталарнинг баъзида ҳаддан ортиқ бачкана қилиқлари ёки саёз латифалар айтиши асло миллий ахлоқимизга тўғри келмайди.

Дам олувчилар ҳузурига келган қизиқчилардан фақат Ортиқ Султо-

нов меъёр мезонларидан четга чиқмаган ҳазил-мутўйибалари, тағзаминли латифалари билан кўнгилларини хушнуд қилди. Аммо “Қаҳқаҳа”, “Қалпоқ”, “Шўрданак” гуруҳи аъзо-

Куёнчак газетхон мактуби

лари бачкана қилиқлари, бепарда гап-сўзлари билан кўпчиликнинг гашини келтирди. Чунки саҳнага чиқадиган гуруҳларнинг барчаси эр-хотин ёки қайнона-келин ҳақидаги мавзулардан четга чиқмайди. Қизиқчилар кўп ҳолларда саҳнага чиқадиган салом-алиқдан сўнг бир-иккита бепарда латифа айтгач, дам олиш масканида аёллар кўпчилиги, уларга мазза эканлиги, эрлари ишлаб пул топиб, хотинларини ҳордиқ чиқаришга юборганлигини таъкидлайди. Кейин олдинги қаторда ўтирган 55-60 ёшлардаги аёллардан бирини саҳнага тақлиф қилади.

— Қаердасиз, онахон?
— Самарқанддан.
— О, гўзал шаҳар. Одамлари ун-

дан ҳам чиройли. Мана сиз 60 ёшга кирдим деяпсиз, лекин қиз боладек гўзалсиз!

Кейин “Чолингиз борми? Неча ёшда? Неча йил бирга яшадиларингиз? Қандай ёки қаерда танишгансиз? Хеч уришганмисизлар, қандай ярашасизлар?” деган саволларни қаторлаштириб ташлайди. Тавба, бирорта одам: “Хов қизиқчи, нега онанг қатори аёлни ўртага чиқариб саволга тутасан”, ёки “Бунақа бепарда саволларни беришга уялмайсанми?” демаяди ҳам.

Хулоса қилиб айтганда, қизиқчилар, бошловчилар томошабинни ҳурмат қилиши зарур. Саҳна маданиятини эгалламаган бўлса, пул топа-ман, деб халқимизнинг одоб-ахлоқ қоидаларидан четга чиқмасликлари керак, деб ўйлаймиш.

С. ЙЎЛДОШЕВ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мазкур нашрнинг билдиришича, "олтин элликтилик" рўйхати дунёдаги йирик сайёҳлик ташкилотларининг тақлиф, фикр-мулоҳазалари асосида ишлаб чиқилган ва унда энг қадимги даврлардан ҳозиргача бунёд этилган ер юзидаги барча шаҳарлар эътиборда тутилган. Албатта, инглиз, француз тилларида АҚШ ҳамда бир қатор Европа давлатларида чиқариладиган, шунингдек, интернет орқали дунёнинг барча мамлакатларида тарқаладиган "Huffington Post" интернет нашрининг дунёда минглаб шаҳарлар орасида Самарқандни ҳам алоҳида эътироф

лик йилларида бунёд этилган бекиёс иншоотлар, боғлар, шаҳарчалар юртимиз кўрғи-кўрк қўшиб турибдики, буларнинг барчаси хорижлик сайёҳларнинг сафарлари мароқли, қулай ва мазмунли бўлиши гаровидир.

— Туризм инфратузилмаси ва сайёҳлик хизматлари савиясини ошириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида Ўзбекистон Туризм ва сайёҳлик бўйича Бутунжаҳон кенгаши томонидан туризм соҳаси жадал тавонолиги бораётган илгор бешта давлат қаторига киритилди, — дейди "Хамкор - саёҳат" сайёҳлик компанияси раҳбари Самидулло Махмудов. — Пойтахтимизда дунё сайёҳлик бозорида машҳур бўлган "Рамада",

катланувчи Тошкент-Самарқанд поезди сайёҳларга хизмат кўрсатиш даражасини сезиларли равишда оширди ва мазкур сайёҳлик марказлари орасидаги масофани қисқартирди. Самарқанда келувчи сайёҳлар оқими ортача мавсумларда қўшимча поездлар қатнови йўлга қўйилмоқда. Келгусида бундай замонавий тезкор поездлар Бухоро шаҳрига ҳам қатнай бошлайди. Қамчиқ доводидан ўтиб, пойтахтни Фарғона водийси билан боғловчи янги темир йўл тармоғи қурилиши ҳам жадал суратларда олиб борилаётган. Тоғлар оралаб, ўтувчи бу йўл барча учун қизиқarli табиат манзараларига бой бўлиши билан сайёҳлар диққатини жалб этиши шубҳасиз.

Хукумат кўмағида ўзбек сайёҳлик ташкилотларининг Истанбул, Мадрид, Рига, Берлин, Москва, Париж, Рим, Токио ва Лондондаги йирик халқаро кўргазмалардаги иштироки самарали натижа бермоқда. Бу борада "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси Ўзбекистоннинг ягона Миллий стэндени ташкил этишда доимий ҳамкордирлар.

Миллий сайёҳлик махсулотини дунё бозорида тарғиб қилиш мақсадида "Ўзбектуризм" миллий компанияси ўз тақлифлари билан 2014 йилнинг биринчи ярми давомида Мадрид шаҳрида ўтказилган "FITUR-2014", Истам-

УНВОН САБОҒИ

Бугун мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбияси учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Айни соҳада гайрат кўрсатиб хизмат қилаётган муаллимлар, мураббийлар меҳнати қадр ва эътибор топаётганидан беҳад мамнунмиз. Чунонинг, ёш авлод таълими соҳасида ибрат кўрсатган ҳамкасблар қатори менинг ҳам фаолиятим юксак даражада эътироф этилиб, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" унвонига лойиқ қўрилганидан беҳад шод бўлдим. Ушбу мукофот, шубҳасиз, кучимизга куч қўшади.

Мустақиллик — ўзлгимизни англашга имкон яратиб берди. Натижада ким эдигу ким бўлганимизни англай бошладик. Президентимизнинг ҳар бир чиқишлари, маърузалари бу борада тушунчамизни бойитди. Ишонч ва умид йўлида фаол ҳаракат қилишга ундади, ҳаётга кучли иштиёқ, меҳр уйғотди. Биргина мисол келтирай. Юртбошимизнинг

Эътироф

"Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзuidaги халқаро конференциянинг очилиш маросимидagi маърузасини тинглаб, ғурурга тўлдим. Вужудимизда боболаримизнинг қони оқаётганини, бизни бунёдкорликка даъват этаётганини англаб етдик. Янги Ренессанс бугунги ёшларимизнинг ижодкорлигига, салоҳиятига, одаимийлигига боғлиқлигига, унинг, албатта, содир бўлишига ишончимиз ортди.

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" унвони менга умрнинг ҳар лаҳзасини, ойлари, йилларини ҳаётнинг мазмуни — Озодликнинг қадри учун, Истиқлолнинг абадийлиги, ёшлар камолоти учун бахшида қилишга улғуриш керак, деган сабоқни берди. Зеро, инсон — биродаринг учун беминнат хизматни кўнгилдагидек адо этиш, устоз мақомида туриш учун тинимсиз изланиш, янгиликлар билан доимо вобаста ва бардавом ҳаракат қилиш асл мақсад-муддаомиздир.

Хотам УМУРОВ,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи

Журналлари варақлаганда

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ”

2014 йил, август ойи сони

Ҳазрат Алишер Навоий шохбайтлари билан очилган журналнинг ушбу сони илк саҳифаларида улғу адибимиз Чўлпон таржима қилган украин адабиёти классиги Иван Франконинг "Феруза" ҳикоясини ўқийсиз. Таржи-

ган, минглаб ороллардан таркиб топган мамлакатлар — Индонезия, Малайзия ва Сингапур халқлари маданияти, адабиёти, санъати ҳақида маълумотлар берилган. Индонезия ва Малайзия шеърятидан танланган на-

ма асарни нашрга Наим Каримов тайёрлаган. Таржимон имлоси, изоҳлари сақлангани эътиборлидир. "Ифрон" романи (русчадан Гулбаҳор Саидгани таржимаси) билан танишасиз. Белорус драматурги Алексей Дударевнинг "Чикин дихона" номли пиесасини рус тилидан Шароф Бошбеков ўғириб тақдим этган.

Тоҳир Қаҳҳор "Табиатда гўзал бир ҳаёт" сарлавҳали мақоласи билан сизнинг эътиборингизни атоқли шоир Рамз Бобоҳоннинг таржима асарларига тортди. Устоз мутаржимнинг Н.Некрасов, Н.Хазрий, Р.Хамзаев ижодидан амалга оширган таржималари, шубҳасиз, сизга манзур бўлади.

"Глобус" руҳи остида умумий жуғрофий номи Океания деб аталади-

муналарни рус ва инглиз тилларидан Н.Жуманазарова, К.Бахриев, С.Алижоннова ўғирган. Малайзиялик адиблар К.Мас ва А.Ридван, сингапурлик ёзувчи С.Раҳматнам, индонезиялик ёзувчи А.Карта Михаржа хикояларини Ф.Шоҳисмоил, А.Умаров, Д.Ўзимаҳмадова таржималарида ўқийсиз.

Тадқиқотчи Д.Аҳмедовнинг мақоласида Мирзо Муҳаммад Ҳайдар қалами-

га мансуб "Тарихи Рашидий" асарининг инглиз тилига қилинган таржималари ва қайта нашрлари ҳақида баътафсил маълумот берилган. О.Каримовнинг "Метафора — поэтик тафаккур асоси", шунингдек, унутилмас сиймолар — Худойберган Аҳмедов, Яйра Абдуллаева, Римма Аҳмедова ҳаёти, фаолияти ҳақидаги мақолалар ҳам журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган.



“ТАФАККУР”,

2014 йил, 3-сон

Журналнинг навбатдаги сони "Юксак интеллект — таракқиёт омили" сарлавҳаси остида Президент Ислам Каримовнинг Самарқандда бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзuidaги халқаро конференцияда сўзлаган нутқидан олинган иқти-солар билан очилади. Журнал муҳбири Қўлман Очиловнинг "Нима дейсиз, замондош?" руҳида берилган "Юрт нуфузи илм-ла ортар" сарлавҳали суҳбати ўқувчиларни Геномика ва биоинформатика маркази директори,

Халқаро ғўза тадқиқотчилари уюшмаси бошқаруви аъзоси, профессор Иброҳим Абдурахмоновнинг ибратли ҳаёти, фанимиз равнақи йўлидаги оламшумул тадқиқотлари, шунингдек, олимнинг тафаккур дунёси билан таништилади.


"Ақл мунозараси" руҳида физика-математика фанлари доктори Мансурхон Тоиров-

нинг "Дўл тоғи ва етти осмон", "Сирли сарҳадлар" руҳида адабиётшунос ва публицист Зухриддин Исомидиновнинг "Соғиниш" сарлавҳали мақолалари билан танишасиз. Адабиётшунос олим Узоқ Жўрақулов "Ишқ қисмати шу азал-абад" мақоласида илк ўзбек романи ҳақида мулоҳаза юритиб, "Ўткан қунар" аънавийим ёки янги романими?" деган саволларга жавоб излайди ва "... бундай оригинал сюжет асосида мингйиллик шарқ-ислом маданияти аънавалари, хусусан, ўзбек халқининг теран илдизларга эга маънавий заҳиралари турибди", деган хулосага келади.

Ёзувчи Исажон Султоннинг "Ўрмондаги қулба" ҳикояси, "Буюклик тимсолари" руҳида берилган Шомирза Турдимовнинг "Чечанинг озғиз қисса ўйнади", Михли Сафаровнинг "Мўъжизакор Леонардо" сарлавҳали мақолалари ҳам журналхонларда катта қизиқиш уйғотди. "Тақдирдаги тақбирлар" руҳида адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг "Сулҳ қурбони Хонзадабегим" сарлавҳали тадқиқотида тарихнинг гоётада чигал даврларида юз берган тарихий воқеаларга Бобур Мирзонинг опаси Хонзадабегим тақдир орқали ҳолис муносабат билдирилган. "Тарих сабоқлари", "Боқий сарчашмалар", "Жавондаги жаҳоир" "Талқин ва тадқиқотлар" руҳида ҳам қизиқarli мақола ва тадқиқотлар ёритилган.

ДУНЁГА ДОСТОН ДИЁР

этиши ҳар бир юртдошимиз қалбида ғурур уйғотади. Юртимизда тинчлик ва кўнгил хотиржамлигининг барқарорлиги, аввало, дунё ҳам-жамиятининг Ўзбекистонга бўлган ишончини мустаҳкамлайди, хориждан келаётган сайёҳлар оқимининг янада ортиб боришига сабаб бўлади. Зеро, ҳар қандай мамлакатда сайёҳлик соҳасининг тараққиёт этиши жуда кўп жиҳатларга боғлиқ. Энг қадимги тарихдан бугунгача, оддий сўхмоқлардан катта шох кўчаларгача, дарёлардан дашту биёбонларгача, қишлоқлардан катта кентларгача, етти ёшдан етмишга кирган юртдошларга қадар — барчаси чет эллик меҳмонлар диққатини жалб этади, уларда унутилмас таассуротлар қолдиради. Шу ўлка меҳрини ҳис этган сайёҳ яна бир бор дўсти ёки биродари билан қайтиб келишни орзу қилади, ўз уйига қайтган, юзлаб ҳамшаҳарларига қўрган-кечирганларини ҳикоя қилиб беради.



Шукрки, хорижликларни ҳайратда қолдиргулик тарихимиз, меҳмондўст халқимиз, гўзал шаҳарларимиз, замонавий қишлоқларимиз бор. Шунинг учун ҳам мамлакатга келаётган сайёҳлар сони йил сайин 80-100 минг нафарга ортиб бормоқда. Ўтган йил давомида Ўзбекистонга икки миллиондан зиёд хорижлик сайёҳлар ташриф буюрди. Айниқса, Шарқий Осиё, Тинч океани минтақаси ва Европа мамлакатлари аҳолиси бошқа ҳудудларга нисбатан юртимизга кўпроқ қизиқиш билдиришмоқда.

Маълумки, дунёда тарихий бинолар ва обидалар сонининг кўпчилиги бўйича Ўзбекистон тўққизинчи ўринни эгаллайди. Боболардан қолган катта тарихий-маданий меросимиз — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Шаҳрисабз, Термиз, Қўқон ва бошқа кўҳна шаҳарларимизда етти мингдан ортиқ тарихий-меъморий ва археологик обидалар бой тарихимиздан сўзлайди. Она тупроғимизда таваллуд топган, дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган улғу алломаларимизни эса, илм-маърифатни азиз билган ҳар бир мамлакатда яхши билладилар. Яқинда Самарқандда ўтказилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзuidaги халқаро конференцияда дунёнинг элликага яқин мамлакатларидан келган таниқли олимларнинг юртимиз тарихи, улғу алломаларимиз фаолиятига оид илмий тадқиқот олиб бораётганликлари ва уларнинг мазкур анжуманда билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам биз учун жуда қадрлидир. Мустақил-

"Радиссон САС", "Дедеман", "Лотте хотелз" каби меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда. Маҳобатли "Хаят" меҳмонхонаси қурилмоқда, "Хилтон" меҳмонхоналар тармоғи билан "Тошкент" меҳмонхонасини бошқариш бўйича ҳамкорлик ўрнатилди. Агар хорижлик сайёҳлар учун яхши таниш ва кўрсатиладиган хизматлари қулайлиги билан ажралиб турадиган мазкур меҳмонхоналарнинг тармоқлари дунёнинг улкан шаҳарларини қамраб олганини назарда тутаёқ, юртимизда сайёҳлик соҳаси жаҳон сайёҳлик тизимига мувофиқлашиб, дунёда ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаб бораётгани аён бўлади.

— Сайёҳларнинг узогини яқин қиладиган, сафар-саёҳатларини мароқли ўтказишдаги асосий омиллардан яна бири, албатта, йўл-транспорт воситаларидир, — дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси бош мутахассиси Миртолиб Мирзохидов. — Пойтахтининг "Тошкент" аэропорти халқаро андозаларга кўра, биринчи даражада бўлиб, ҳар кун дунёнинг турли мамлакатларидан барча русумдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш имконига эга. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг бевосита ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинган "Боинг-757", "Боинг-767", "Аэробус А-320" ва бошқа самолётлари Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Америкадаги 50 дан ортиқ шаҳарга учмоқда. Айни вақтда юртимиздаги 11 та аэропорт халқаро андозалар асосида жиҳозланган.

Испаниянинг "Тальго" компанияси ишлаб чиқарган юқори тезликда ҳара-

"Ипак йўлида туризм" Тошкент халқаро кўргазмасининг муҳим янгиликларидан бири, шубҳасиз, "Hosted buyers" лойиҳаси — хорижлик тадбиркор туроператорлар билан музокара-лар ва ҳамкорлик шартномаларини имзолаш дастуридир.

Халқаро қондаларга кўра, Hosted buyers — бу алоҳида эътибордаги, ўзига хос имтиёзларга эга вакил, у аввалдан кўргазмага белгиланган бирон мақсад — сайёҳлик соҳасида аниқ лойиҳа бўйича икки томонлама манфаатли ҳамкорлик учун тақлиф этилади. Бир сўз билан айтганда, бу анжуман тадбиркор туроператорлар учун ҳам саёҳат, ҳам тижорат.

Аслида ҳам кўргазманинг асосий вазифаси Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги салоҳиятини хорижлик ҳамкасбларга тўлақонли намоён қилиш, мамлакатимизга хорижлик сайёҳларни жалб этиш борасида доимий ҳамкорлик ришталарини боғлашдир. Ушбу лойиҳа туфайли маҳаллий соҳа вакиллари халқаро сайёҳлик кўргазмасида қатнашиш учун юртимизга ташриф буюрган хорижлик ҳамкасблари билан самарали шартномалар имзолаш имкониятига эга бўладилар.

Шунингдек, 2013 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг миллий меросини жаҳон миқёсида тарғиб этиш мақсадида ҳар йили баҳорда янги халқаро тадбир — "Дам олиш дунёси" Ўзбек халқаро туристик кўргазмаси йўлга қўйилди.

Ўзбекистоннинг муҳим халқаро сайёҳлик кўргазмаларида иштироки сезиларли даражада ўсиб бормоқда.

бунда ўтказилган EMITT 2014, Рига шаҳридаги Balttour-2014, Берлин шаҳрида ташкил этилган ITB 2014 каби ўнлаб халқаро кўргазма ва тадбирларда фаол иштирок этди.

Компания томонидан 2011 йилдан буюн "Мега-инфо-тур" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу хорижлик оммавий ахборот воситалари ва сайёҳлик ташкилотлари вакиллари учун мамлакатимиз бўйлаб бепул таништирув саёҳатларидир. Аънамага кўра, йилнинг март, июн, август ва ноябр ойларида ўтказиладиган бу лойиҳада ўтган йили 25 мамлакатдан келган 300 дан ортиқ журналист ва соҳа вакиллари иштирок этди. Сайёҳлик соҳасига ихтисослашган журналистларнинг бевосита юртимиздаги тинчлик, шаҳарлар гўзаллиги ва табиат ажойиботлари билан танишувлари ҳамда бу ҳақда чет эл матбуотидаги чиқишлари Ўзбекистон ҳақида ҳолис тасаввур уйғотди.

"Ўзбектуризм" миллий компаниясининг маълум қилишича, шу йил сентябр ойдан юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини ва маданий меросини ёритувчи тарғибот лавҳалари EuroNews орқали намоёиш этила бошланди. Дунёдаги етакчи оммавий ахборот воситаларидан бири бўлган бу телеканалнинг кечаю кундуз, узлуксиз равишда 12 тилда бериладиган ахборот-тарғибот кўрсатувларини 155 давлатдаги 370 миллиондан ортиқ аҳоли томоша қилади. Халқаро телеканалнинг "Citi-tour" руҳида Тошкент шаҳрининг сайёҳларни мафтун этувчи жозибабали манзаралари, "Ўзбеклар ҳаёти" руҳида эса Самарқанд, Бухоро, Хива каби ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган кўҳна ва оламга машҳур шаҳарларимизнинг бугунги кўрку жамоли олам аҳлига тақдим этилади. Албатта, юртимизда яшаб ўтган улғу алломаларининг ҳаёти ва жаҳон илмфан ривожига қўшган ҳиссалари ҳам батафсил ёритиб борилиши кўзда тутилган.

БМТнинг Бутунжаҳон туристик ташкилоти Ижроия кенгашининг 98-сессияси давомида навбатдаги сессияни ўтказиш учун Самарқанд шаҳрининг танлангани беҳиз эмас. Шарқ гавҳари бўлган кўҳна шаҳримиз шундай эҳтирофга лойиқ эканлигини нафақат биз, балки бутун дунё сайёҳлари эътироф этишмоқда.

Туризм соҳасининг ривожига қатор тармоқларнинг жаҳон андозалари даражасида ташкил этилиши, янги йўллар қурилиши, юрт ободлиги, эл равнақи, бир сўз билан айтганда, мамлакатнинг гуллаб-яшнаши, тараққиёти билан қамбарчас боғлиқ жараён. Юртимизнинг тинчлиги, дунё ҳам-жамиятида кун сайин ортиб бораётган обрўси, халқимизнинг меҳмондўстлиги бутун дунё сайёҳларининг юртимизга қизиқишларини янада ошириши шубҳасиз.

ХУМОЮН АҚБАРОВ

“ТЕАТР”

2014 йил, 4-сон

Журналнинг навбатдаги сони мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонлашга тараддуд қўриладиган ўзбек саҳна санъатининг кутлуг тўйи — Миллий академик драма театрининг юз йиллигига бағишланган. Пулат Тошкен-

боевнинг "Қолизей"да томоша, театршунос олим Тоир Исмоловнинг "Биз соғинган аънавалар" номли мақолаларида республикамизнинг етакчи театри босиб ўтган тарихий йўл, унинг ўзига хос хусусиятлари, бир аср мобайнида саҳна юзини кўрган машҳур спектакллар ҳақида сўз юритилган. Лутфулла Илхомжоновнинг "Ғафур Ғулум ва театр", Жўра Махмудовнинг "Тошхўжа Хўжаев мактаби", Ҳафиз Абдусаматовнинг "Театрга ошфат адиб", Эркин Усмоновнинг "Улардан бири" каби мақола ва ёдномаларида Миллий театрининг етук актёр ва режиссёрлари, театр билан



"Театр"нинг навбатдаги сонидан Шавкат Умаровнинг "Мусликий таълимида устоз ва шоғирд", Маҳмад Муҳаммедовнинг "Ижод сўхмоқларига йўл", Аҳмадхон Рўзметов ва Давронбек Отабоевнинг "Театр санъатида иқтисодий тафаккур" каби қизиқarli мавзудаги мақола ва тадқиқотлари ҳам ўрин олган.

МИЛЛИЙ ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кеча пойтахтимизда Миллий интернет-журналистикани ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий семинари ўз иштини бошлади. Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Алоқа, ахборот-талашириш ва телекоммуникация технологиялари кўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этган анжуманда вазирлик ва идоралар ахборот хизмати раҳбарлари, марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари муҳаррирлари, интернет журналистлар, блогерлар, олий ўқув юртлари журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари

иштирок этмоқда. Тадбирни Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев очиб, миллий интернет журналистикаси равнақи ва унинг олдида турган долзарб вазифаларга эътибор қаратди. Мамлакатимизда интернет ОАВни ривожлантиришга доир қонунчилик асослари яратилиб, такомиллаштириб борилаётган. Бугун республика аҳолисининг учдан бири қисми жаҳон интернет тармоғидан фойдаланмоқда. Айни чоғда глобаллашув шароитларида ёшларимизни ахборот хуружларида ҳимоя қилиш, ишончли ва ҳолисона ахборотни бузғунчилик ниятидаги салбий ахборот оқимидан аниқ фарқлай олиш

бўйича савия ва кўникмаларни шакллантириш борасида муайян вазифалар турибди.

Илмий-амалий семинарнинг биринчи кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси раиси А.Жўрабоев, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари кўмитаси раиси Х.Мирзохидов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Халимбеков, "Uzinfocom" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази директори И. Жўраев, профессор Х. Дўстмуҳаммад, ЎзМУ журналистика факультети декани М. Мирсоатов ва бошқа мутахассисларнинг маъруза ва фикр-мулоҳазалари тингланди.

АЛГОМИЧЛАР
УЛФАЯДИ ҚҶҶОҒИНИҶДА



СЕВГИ ЙЎДИ

АЁЛГА КАСИДА

Жасоратда Тўмариссан, ишқда Лайли,
Дунёларнинг гўзаллиги сен туфайли,
Яхшиликлар япроқ ёзар дилбоғингда.

Истакларим тахлам-тахлам тоғ бўлар,
Гулим десам ҳаёлим гулбоғ бўлар.
Минг чорласам бир келмайди, во дариг,
Юрагимга аламлар ўрток бўлар.

Замира РУЗИЕВА 1957 йilda туғилган. ЎзМУнинг журналистика факултетини тамомлаган. "Мунаввар юртим", "Атиргулга айланаман", "Офтобжамол" сингари китоблари чоп этилган. Ҳозир "Миллий тикланиш" газетаси Андижон вилоят муҳбири бўлиб ишламоқда.

САНГАРДАК ҚҰШИҒИ

Гоҳи телефон килган онамининг ҳазин овозига бироз дағал, жиндек зарда билан жавоб бераман. Эртадан кечгача тиним билмаган онам, кечга бориб бетоблигини-да, билмай ухлаб қолади. Телевизорга тикилиб, икки ёштинги кўлтиғи остига қўяди-анам отам, онамга бир-икки қараб қўяди. Дилида нималар бор: ўзи ва Худо билади. Нариги хонада компьютер чуқилаётган укам, олис Тошкентни ҳаёли қилади. Боссам, томонга қи-

Қишлоғимни яхши кўраман. Чунки, у менга ошиқликни, шайдоликни ўргатди. Ошиқ бўлдим. Кичкина қишлоғим сиймосида буюк бир Ватанини севдим. Ўрмон қаер билмайман, билганим уйим — бу Ватаним. Тоғим, далам қаер, буняғим билмайман, билганим — яшаётган замину бошимдаги осмоним. Сангардак ҳам юртимнинг бир бўлағи, жонимнинг бир парчаси. Булоқ бўлмаса, ирмоқ, ирмоқ бўлмаса дарё бўлмайди. Бизлар булоқлардан дарёга қўшилганлармиз. Юртимда булогу ирмоқлар кўп. Аммо, мен билган уммон битта — унинг номи Ўзбекистон! Бўлогимиз қанча тиниқ бўлса, дарё ҳам шунча тиниқ бўлади.

“Ёшлик” журнали газетамиз меҳмони

Одамзод кишилиқ жамияти тарихи мобайнида уруш, қирғинбаротдан ташқари очарчилик, қаҳатчилик, камбағалчилик каби балоларни ҳам бошидан ўтказган. Луқмони Ҳаким ўғлига насиҳатларида камбағалчиликни офат деб атаб, бундай ҳолга тушиб қолмасликка чақиради.

Мухтарам Президентимиз “Ўзбекистон XXI аср бўёғасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари” асарида камбағалчиликни инсоният ҳаётига хавф солувчи оммавий балолардан бири сифатида алоҳида таъкидлайди.

Ўзи одамлар ялпи жамият бўлиб бахтли ҳаёт кечирган даврлар тарихида жуда кам. Ўз йиллик шўро тузуми вақтини ҳам ҳисоб-қитоб қилиб кўрсангиз тинчлик-осойишталик, тўқлиқ вақти нақадар оз-

лук топмоқчи бўлар, бироқ бунинг иложини қилолмасди. Қўй жониворга касал тегади, айниқса, қишда ўлкаси шамол-ласа кун исиганда тўкилиб тушади, йўталиб, эт олмай юради-да, ёзга чиқиб тек қотади. Бу чиким – чўпоннинг гарданида! Қишда етарли ем-хашак берилмайдиган, каттаман деганлар оморидан сотиб гумдон қилиб юборади ёки чўпонга жуда кам миқдорда беради. Жониворларнинг қорни тўймайди. Кучсиз, дармонсиз совлиқларнинг қўқламда туғолмай жон тас-

ради. Бўлмаса ҳар бир совлиқдан йилига 2-3тадан тирик қўзи олиш мумкин эмас. Яна бир хиллари... сонда бор-у, санокда йўқ! Қўзбўямачилик!

Отамга ачинар эдим ва шу боис чўпонликни ёмон кўриб ўсдим.

Отам 90-йилда пенсияга чиққанида жуда хурсанд бўлганман. Ва, қизиги, бу пенсия миқдори онамнинг қарилик пенсиясидан ҳам камроқ эди...

Лекин бу кексалиқ ҳаёти беташивиш ва осойишта эди. Фарзандлар ўмганларини кўтариб ўйли-жойли, ишли бўлганда, отам Президентимизнинг шахсий томоркалар учун ер бериш ҳақидаги фармонида руҳланиб бог қилгиси келди. Қишлоқ четидидаги ердан икки гектар тоқзор олиб парвариш қилишга тушиб кетди. Ҳўжалик идорасига қатнаб, хатлаб ҳам олди. Бир томони дарахтзор, асосий қисми кишимиш этиладиган тоқ-

йигирма йиллар ўтиб, ипотека кредити бериш шакланган бир пайтда ўша, мустақил давлатимиз ҳали ўзининг қаддини тиклаш жараёнидаёқ бундай имтиёз ва ҳимматга қўл уриши унча осон кечмаганини ҳозир яхшироқ ҳис қиламан.

Мен ўз Ватаним билан мақтанишим учун ота-онамни қорлашим ва уй тўйи ўтказишим керак эди. Шунда билдим: ҳайҳотдай кўринган, бир томони яланғоч бўлиб турган бошпанамиз атиги икки киши билан тўлар ва обод бўлар экан. Булар менинг жондан азизларим — отам ва онам эди. Қошонамизга кириб оёқ узатиб қерилишга ва оғизларини тўлдириб сўз айтмоққа, чой ичиб, овқат тано-вул қилиб ҳузурланишга даставвал уларнинг ҳақлари бор эди. Аввал ҳам, ҳозир ҳам шундай ўйлайман. Сабаби оддий: оқ сут берди, оқ ювиб, оқ таради. Нима-ки захмат чеккан бўлсалар, биз фарзандлар учун чекишди. Ва мен улғайган сайин бошимда тож бўлиб турган зотлар омонат эканликлари тобора чуқурроқ ҳис қилар, мана шу омонатдорлик юз йилларга қўзилиб кетишини хоҳлардим. Энди бўлса ўстирайётган, тарбиялаётган болаларнинг наздида ўзинг ҳам шундайсан...

Отам боққан қўй-эчкининг жунидан онам гилам тўқийди, олача, тақирлоқ деган тўшанчилар билан уйимизни тўлдириб ташлайди. Энди ана шу гиламлардан отам ва онамнинг изларини, хидларини излайман. Омонатини отам 73, онам бўлтур рўзада 82 ёшда топширди. Улар учун биз тоғу давлат эканимизни қўй айтишар, ортимизда қўлинглар, саодатли умр кечиринглар, толеи баланд бўлинглар, деб қўй дуо қилишарди.

Отанинг, онанинг ғанимат экани энди йўқлиқларида чуқурроқ билинади. Кўпроқ хизматларини қилсам эди, деб қўйиасан.

“Биз яшаган ҳаёт ҳаёт эмас экан, эртадан кечгача қилган меҳнатнинг нон топишдан бошқасига арзимас эди, қад-рининг йўқ эди. Энди бўлса, хоҳлаганча еринг, молинг, пулинг бўлсин – қандини ни ур, фаровон аш! Қилган меҳнатнинг ёнади. Қаримовнинг отасига раҳмат! Пешонасида юлдузи бор шу инсоннинг!”

Отам қариганда шунга икорор бўлди. Мустақиллиқнинг шуқули қулариди йигит бўлиб, енг шимариб ишлаб, қад-риб, сўнг қўй тўқиб юргиси келди.

Бу – отамнинг армони. Фарзандлар, неваралар ҳаётида эса масрурлик давом этмоқда.

Собир ўНАР,

“Ёшлик” журналининг бош муҳаррири.

МЕҲНАТНИНГ ЁНИШИ

ёхуд отамнинг армони

лигига гувоҳ бўласиз.

Сирасини айтганда, ўзбекининг бошига Мустақилликда кун теги!

Мен-ку, шу юртинг эллик ёшга кирган бир фуқароси, очилики кўрмаганман, лекин камбағалчилик кишини камситиб, ерга урадиган бир омил эканини аниқ бўлиб.

Отам раҳматли қирқ йилдан зиёд вақтини давлатнинг қўйини боқиб ўтказди. Ўйламанки, раҳматли айни қуч-қувватини чўпонликка сарфлаганидан норози бўлиб ўтди. Токи биз фарзандлари эр йигит бўлиб қава-тига кирганимизча, ўқиб, ишлаб ҳаётдан ўрин топуганимизча вақтида етарли шарт-шароит яратиб беролмаганидан хафа бўлиб юрди.

Соддалигидан ташқари тўпорилиги ҳам бор эди. Каттақонларнинг айтганини қилиш керак, деб ўйларди, тамом. Бу ёқда эса олти нафар ерман-мчарман-киярманлар буй кўрсатиб келаёттир. Шаҳарга бориб ўқийман деса йўл хар-жи, овқат харжи, кийим харжи керак. Тўй қиламан деса эл қатори сарпо-суруқ, дов-досқа керак! Ўйини эл қатори қилиб қураман! Деса, қўрилиш материалли со-тиб олиш керак! Буларнинг ҳаммасига пул керак-да!

Отам пулни ёмон кўрганидан ёки э-лаб ишлатолмаганидан эмас, давлат меҳнатига арзирли маош тўламагани учун камбағал эди. Ҳалол ишлаб, ҳалол

лим қилганлари қанча бўларди. Тўққан-лари ўлик қўзилар ҳам чўпоннинг бўйни-да!

Ёзда яйлов етишлик отарни тоққа ҳайдаб чиқашди. Тоғдаги бўрига қўй тайёр луқма! Ўн беш-йигирма бош қўйга қирон келиши оддий ҳол... Демак,

Ким эдигу ким бўлдиқ

йўқолган қўй ҳам яна чўпоннинг гарда-нида!

Шунча жарималардан сўнг чўпоннинг маоши қанча бўларди?! Эсимда, туман газетасида баҳор ойлари ҳар бир ҳўжа-ликнинг отарлари, бош чўпонларнинг рўйхатлари, эълон қилинар, унда қўзи-латиш мавсумини чўпонлар қай даража-да муваффақиятли ёки суст ўтказаятган-ни ҳақида маълумот бериладди. Бир гал отамни рўйхатнинг қўйи қисмида кўрга-ним учун уялганимдан бўлса керак, нега бундайлигидан ёзгирган эдим. Шунда отам бир неча илгор чўпонларнинг нега илгорлиги сабабини тушунтирган. Акса-риятда яйлов кенг, хашак мўл, бизга ўхшаб тўшлиқ қир-адирда юрмайди, қат-талар билан келишиб, уларнинг қўйла-рини отарига қўшиб боқадиган, ем-хаша-гини етарли қилиб беради, фалончи эса беш юз отарга ўзининг беш юз қўйини қўшиб боқадиган. Ўзининг қўзиларининг ҳам аксарини давлатга топшириб юбо-

зор бог бўлди. Бу ерга шу даражада меҳр бериб, парваришлай бошладики, ундаги бу шижоатни кўриб фарзандлар ҳам қараб турмадики. Ён-атрофини тўсиқ билан ўраб, мол-ҳол қирмайдиган қилиб бердик. Энди шу ердан уйдаги сигир, қўй-эчкилар учун қишлоқ хашак ҳам чи-қар, ёзда қорамолларни по-дага қўшмай, боғнинг ўтоқдан чиққан қўқарчини билан боқар эди. Ҳайрати жўшиб бир уйча-чайла ҳам қуриб олди. Узун ёз қуларид-да шу ерда бемалол ётиб қоладиган бўлди.

Отам Мустақиллиқнинг ўн биринчи йиллигача яшади. Аммо энди ҳузурланиб, ҳаёт таъминини бошқача сезиб, шуқур би-лан, тоат билан яшади. Аввал яшаган ум-рининг нақадар ҳалоллигидан қатъий назар давлатнинг, раҳбарларнинг но-мардлик қилганидан афсусланди. Ақа-уқалар пул йиғиб, укамга “Дамас” ма-шинаси олиб бердик. Тўй-томошаларга онам, неваралари билан қўр тўқиб бо-риб келадиган бўлди.

Президентимиз 1993 йилда ёш ижод-корларнинг яшаш шароитларини яхши-лаш мақсадида уларни уй-жой билан таъминлаш тўғрисида фармон эълон қилгани эсимда.

Ўттиз ёшга кириб, икки фарзанд би-лан ижара уй, ётоқхоналарда санқиб юрган биз каби қаламашларга ҳам уй насиб этадиган бўлди. Бугун, орадан

Менингча, “ўзлики англаш” нималигини би-лиш учун олдин “ўзлик”нинг ўзи нима эканини билиб олиш керак. Сўзининг сиртидан ҳам кўри-ниб турганидек, “ўзлик”нинг ўзаги “ўз”дир. Яъни, “ўзлик” “ўз”га тегишлидир. “Ўз” эса, “асл” демак-дир. Жайдарича айтганда, киши бир кунни ўзига “Мен кимман?” деган саволни берган заҳоти у ўзини англаш йўлига чиққан, биринчи қадамини қўйган бўлади...

Юз ўттиз йиллик мустамлака остидан чиққан бир миллат ўлароқ бугун биз қайтадан ўзликини англашга киришганимиз, бу шарафли юксалишнинг илк босқичида турибмиз, илк қадамларимизни қўймоқдамиз. Яқин қуларгача устимизда ҳу-кимни юритганлар бизга, динимизга, маданияти-мизга, ўзлигимизга бегоналар эди, улар бизга ҳам ўзларининг “ўзлик”ларини юқтиришга ури-нишди. Натижада ўзлигимиздан ажралишимиз-га оз қолди. Аммо биз бугун янги ўзлик қиди-риб ўтирмаймиз. Йўқотганимизни, йўқотаёзга-нимизни қайтадан топсак бўлди. Адашишлар,

АДАБИЁТ — РОСТЛИҚДИР

улоқишлар етар, ўзликини англашда, ҳис қилишда бошидан тўғри йўлга ту-шиб олишимиз керак...

Ўзликини англашнинг ўзига хос мақомлари бўлганидек, бахтининг ҳам олий ва майда мақом-лари бор. Кимдир озгина бойликка эришишнинг ўзини, кимдир ўша озгина бойлигини яхши би-лишга сарфлагани бахт, деб билади. Ҳатто ўзи камбағал бўлса-да, қаноатини бахт ҳисоблайди-ганлар бор! Яхши ота-она бир бахт бўлганидек, яхши фарзандлар ҳам катта бир бахтдир! Киши жамиятда ўзини озод ва эркин ҳис этиши бахт бўлганидек, қонун доирасида нафсини чеклай олиши ҳам бахтдир!

Амаллар ҳалол ва ҳаромга ажралганидек, бахт ҳам ҳалол ва ҳаромга ажралди. Киши эзгу бир орзуларга улашди дейлик — кўнглидаги бир қизга уйланди, чиройли оила қурди, ўғил-қизлар қўрди, уларни ҳуш одобли қилиб тарбиялади, илм олди, уй солди, машинали бўлди, жамиятда обрў-эъти-бор қозонди — булар ҳалол бахтларга мисол бўла олади. Оллоҳ ҳам, қонун ҳам қайтарган ишлар-да бахт бўлмайди...

Ҳамманинг жамиятда ўз ўрни бор. Жумладан, илмий, ижодий истеъдод берилганларнинг ҳам. Фақат савияси ва қобилиятига қараб бу вазифа оддийликдан то буюқликка қадар ўзгариб тура-ди. Билим, билимга қўшиб фаросат, фаросатга қўшиб уни қўллас истеъдоди ҳам берилган ижод-корнинг жамиятдаги масъулияти бошқаларники-дан катта ва оғирдир. Ижодкор шунчаки яша-

Мушоҳада

ўргатишди. Адабиёт шунақа экан-да, деб биз ёзувчилар охир-оқибатда бировнинг маҳрам хоналаригача бо-

стириб кириб бордик, қўларимизни бўш қилиб,

...мумтоз адибларимиз ўқувчининг паст туй-гуларини қитиқловчи ифлос манзараларни тас-вирлашни адабиётнинг вазифаси санамаган.

Шеър ёзладими ё киска-пўнда ҳикоятлар, ри-воятлар битилладими — ниятлар ва ғоялар қилиб бўлган. Масалан, Алишер Навоий ишқни унга бўлиб, биринчиси ўлароқ авом ишқи ҳақида сўйларкан, уни ҳам иккига ажратадилар. Бую-ғи деб шаръий никоҳни, пастги деб никоҳдан ташқаридаги “ишқ”ни айтадилар ва, қулоқ со-линг, шу ўринда ҳазрат нима дейдилар: “Ва пастроқ мартабасида паришонлиқ ва мушав-вашлиқлар ва бесомонлиқ ва ноҳушлиқларе-ки, зикри тарки адабдир ва баёни беҳижоб-лиққа сабаб” (“Маҳбуб ул-қулуб”дан). Яъни, ни-коҳдан ташқаридаги ишқ тубан иш бўлиб, тур-ган-битгани паришонлиқ, ташвиш, саросима ва ноҳушлиқлар келтирди, уларни эслаш (тилга олиш) одобдан эмас, энди уни баён қилиш (би-ровларга гапириб бериш ёки ёзиш) уятсизлик-дир!

Аслида, адабиёт ростлиқдир, одобли бир хил-қатдир. Бошқача айтганда, одоб доирасидаги адабиётгина чинакам адабиётдир.

Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН

Биринчи учрашув

ХАЁЛ ЖИЛВАЛАРИ

Енгилгина шамол богдаги дарахт учларини тебратди. Дарахтлар остидаги ўт-ўлану турли гуллар эса уларга жўр бўлгандек силкинади. Булбул, саъва, читтак, қалдирғоч боғнинг у ёғидан бу ёғига учади. Шилдираб оқаётган ариқдаги сув қуёш нурлари таъсирида ялт-юлт этади. Аҳён-аҳёнда загизгон овози селдек оқаётган ҳаёлни қалғитади. Шунда бояғидан қаттиқроқ шамол турди. Қушларнинг чугурлаб сайраши авжига чиқди...

Яна бог узра сокинлик. Энди қуёш ботишга тараддуд-ланмоқда. Унинг нури дарахтлар орасидан ошиб, дўсти билан видолашаётган-дай қизгалдоққа нигоҳини қадади. Гул нур оғушида шу қадар латофатлики, бор гўзаллигини шу лаҳзада қўз-қўз этаётгандай.

Қуёш нурлари энди қизгалдоқдан узоклашиб, олма дарахтига ин қурган бир жуфт мусича ва уларнинг полоғига нигоҳини қўчирди. Мусича пологини билан уяда, ота мусича эса уя ёнида гир айланади, уларга парвона. Назаримда, улар бахтли ҳаёт учун яратганга шўқрона айтаётгандай. Ҳа, мана шу бир жуфт мусичада ҳам оила масъулияти, Ватан туйғуси баланд...

Қуёш ботди. Лекин ариқдаги сувнинг “шилдир-шилдир”и тўхтагани йўқ. Ёқимли мусикадек туюлади. Мовий осмон ҳарир пардасини ёпди. Чигирткаларнинг “чир-чир”и қулоққа чалинади. Бу лаҳзада қуёш нурлари эмас, ой нурлари богга ҳамроҳ. Бу лаҳзада ой нурларига ариқ сувида жимирлайди. Шу гўзал табиат оғушида ўт-ўланлар, гуллар янги ҳаёт, янги кун учун қуч тўпламоқда. Тун. Эҳ, унинг ҳам ваъдаси чексиз. Ой нури эса ўша ваъда учун туртки, енгиллик демак. Тун. У инсонни минг-лаб хотиралар бекатига етаклайди. Айнан шу пайтда ўтмиш ва келажақ тенглигини ҳаёлингизга келтирасиз. Янги умид, янги ишонч қўнглингизга қўнади...

Богдаги ўриндиққа ўтиринг, осмонга қаранг. Не-не сир-синаотлар эшиги-ни очад. Фақат бунинг учун хотиржамлик зарур. Вақт бўлса доира бўйлаб айланаверади.

Муслимаҳон МЕЛИХОНОВА,

Жиззах вилояти Галлаорол туманидаги 24-мактаб ўқувчиси.

ҚАЛДИРҒОЧ

Азим шарқдан то жанубгача,
Менинг саломини айтдингми?
Армон ила тегандинг кеча,
Бутун орзу билан қайтдингми?

Қанотларинг қора, қўнглинг оқ,
Самодамас, юрагимда уч.
Менинг қалбим самодан кенгроқ,
Булутнимас, нафасимни қуч.

Ахир сени роса қутдим зор,
Бутун мастман бахт суруридан.

Бунча шўхсан, бунча беозор,
Яралдингми тонгининг нуридан?

КУНГАБОҚАР

Қуёш билан дўст тутиниб,
Қуялдуз қуни унга боқар.
Тунда ойдан уялгандай,
Ерга қарар қунабоқар.

Дурдона УСМОНОВА,

Наманган туманидаги
20-мактабнинг ўқувчиси.

ЯШИЛ ЯПРОҚЛАР

Қишнинг совуқ ҳавоси чекиниб, қўқламнинг ёмғирли қунари бошланди. Униб чиққан ям-яшил майсалар устида очилган момақаймоқлар ариқлар лабини беа-ди. Қуёшнинг илиқ тафтидан уйғонган дарахтлар қуртак тутиб, барг ёза бошлади ҳамки, ариқ четидида буй чўзган қарағай ўйғонишни истамагандек ҳамон уйқуда эди. Борлиқни ёқимли ифорога тўлдирган шўқлам ўтиб борар, қарағай дарахти эса ҳамон қоқ-қуруқ шохларини ёзганча атрофни вазмин кузатиб турарди. Унинг қоп-қора танаси гўё қуригандек қуринар, аслида эса кексаёган, аммо қаттиқ ва бақув-ват танасида ҳаёт энди ўйғонмоққа бошлаганди. Шундай ҳузурбахш қуналарнинг бирида дарахтга бир одам тирмашиб чиқди-да, арранинг ўткир тигини шохга солди. Унинг бошқа дарахтларга нис-батан сал кечроқ барг ёзилишни тушунмаган чўтир юзли ба-қалоқ киши пастда туриб қичқирди:

Қатра

— Қуриб қолибди, кесиш керак!

Дарахт бирин-кетин шохлардан ажраб, қўлсиз одамга ўхшаб қолди. Бояғи кимса энди қарағайнинг танасини аррлар, ерда эса эҳтиётлаган каби новдаларини қучоқ-лаб шохлар ётарди. Новдаларда маржондек тизилган қуртаклар ҳали улкан фожи-адан беҳабар, яшнаб турарди. Бирдан ҳаво айнади. Томчилаётган ёмғир, қарағай танаси ерга қулаган замон шаррос қўйиб юборди. Борлиқ ўз вужудида яшаётган бир бўлагидан айрилди. Бунинг гувоҳига айланган осмон гўё қўз ёшларини тиёл-мас, ёмғир томчилари борган сайин қучайиб, дарахтнинг танасидан сизиб оқарди. Яна баҳор келди. Дарахтлар, гул гўёлар қатори, қарангки, қарағай дарахтининг тўнкаси ҳам уйғонди. Атрофидан чиққан новдалар ариқ атрофида шу қадар ястанди-ки, япроқлар билан тўнкадаги жароҳатни яшириб олди. Бир пайтлар юксакда майин хилпираган, ҳозир бўлса заминдан паноҳ топган қарағайнинг яшил япроқлари шаб-бодада ҳазин тебранади. Улар ерни пиласлаётганга, ненидир излаётганга ўхшай-ди. Яна ким билсин. Балки яшил япроқлар ҳаётга, қуёшнинг заррин нурларига тал-пинаётгандир, балки улар ўз вужуди — қарағай танасини излаётгандир...

Шахноза РАЙИМОВА,

Фарғона ҳуқуқшунослик коллежини битирган, “Истеъдод мактаби”
V Республика ёш ижодкорлар семинари иштирокчиси.

СОҒИНЧ БЕКАТИДА КУТЯПМАН СИЗНИ

Нурлар секиб супураман

остонангни,
Ҳар саҳарда, бун сен ҳам

билсанг керак.
Башарти мен Оймонига

келин бўлсам,
Тўёнага юлдуз олиб келсанг керак.

Ўлмай туриб айрилса-да

чин ошиқлар
Ўз йўлида қўлин силкиб кетишмаган.

Қўп қуюнма, биласан-ку ахир улар,
Бир-бирига бутун умр етишмаган.

Майин шабадалар эсган маҳалда
Баҳор чечаклари қўтлайди бизни.
Неча маҳзун йиллар

ўтганида ҳам,
Ер чизиб турибсиз...

йўқотдингизми?
Анов сўқмоқларда мен босган изни.

Келасизми?
Кетди ҳаёт поезди...

Соғинч бекатида кутяпман сизни.

Наргиза ЮНУСОВА,
ЎзМУнинг журналистика
факултети талабаси

ЮРТИМ

Атиргўлдек очилиб,
Яшнаб турар юзларинг.
Шоду хандон ўсамиз,
Бизлар — ўғил-қизларинг.
Таърифингни оламга,
Боғу чаман сўйлайди.
Юрагининг тилмочи —
Булбул, қумри қўйлайди.
Бахтиёрман бағрингда,
Ўтирсан бирор ниҳол.
Дунё тургунча тургин,
Тобора топиб камол.

Машҳура НУРМАТОВА,
Жиззах вилояти Мирзачўл
туманидаги 15-мактаб ўқувчиси.

ОҚШОМ

Самоларнинг тоқига,
Чироларин осди шом.
Оймонини қорлади,
Хузурига тун, оқшом.
Чигирткалар қўшиги,
Бошланиб қолди бирдан.
Шамолларнинг овози
Келади дала, қирдан.
Юлдузларга термулиб,
Эслайман болаликни.
Эв, олисларда қолган,
Хўн бебаҳо бойликни.
Самоларнинг тоқига
Чироларин осди шом.
Менинг умримга яна
Кириб келди бир оқшом.

Ҳожинисо АБДУЖАЛИЛОВА,
Термиз туманидаги
33-мактабни битирган.

Адиб хонадонига

МАЪНАВИЯТ УСТУНИ

Ҳаёт бизнинг хоҳиш-истагимизга бўйсунмайди. Ҳаёт гўзал эрса-да, ёзилмаган бешафқат қонунлари, синов-лари ҳам бор. Худого шукрки, бизнинг авлод бу синов-лардан эсон-омон ўтди. Адабиёт — миллатнинг руҳи. Унинг ривожини учун ҳамма бирдай ёрдамчи бўлса, нур устига нур бўларди.

Шоирнинг ҳар бир шеъри, у хоҳ гул ҳақда бўлсин ё кўнгул, ё ҳазон, ё илдиҳ ҳақда бўлсин, ватан ва озодлик ҳақда эмасми? Йўқса, шеър эмас. Демокчиманки, яхши шоир эмас, яхши шеърни олдинга суринг, ватанини обод қилган бўласиз. Зеро, адабиёт ватанининг мустаҳкам усту-нидир. Тил ҳам ватандир! Тилдан ҳам юксакроқ бўлган ватан — миллатдир...

“Ёшлик” журналининг ўтган сонларидан бирида икти-дорли шоир Назар Шуккурнинг бир туркум шеърлари “Хотира” руҳини остида эълон қилингани мени қувонти-риб юборди. Деярли ҳар бир сатри санъат даражасида! Санъаткорона нигоҳ билан кузатилган ва битилган гўзал ҳаёт манзаралари — кўнгул лавҳалари... “Сомон йўли. Босилмайди, бу йўлнинг чанги, Ухламайди ўтиб кетган карвонлар занги”, “Киприкларим найзасига илгинган ос-мон, шу тиг билан ўртасидан тилинган осмон”, “Юлду

“ҚЎҒИРЧОҒИМ ЎЙНАЙДИ, АСЛИ РОСТИН СЎЙЛАЙДИ...”

Асосан болаларга сахна томошаси намойиш этадиган қўғирчоқ театри бошқа санъат масканларидан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу даргоҳда қўғирчоқлар болалар билан “тиллашади”, қизиқарли ўйинлар “ўйнайди”. Ана шу “ўйинлар”, яъни спектакллар замирида болажонларни эзгуликка ўргатувчи тарбия мавжуд.

Хўш, юксак технологиялар асрида яшайётган, онги ва тушунчалари тараққий этиб бораётган ёш авлодга тақдим этилаётган спектаклларнинг савияси, талқини ва ижро маҳорати кўнгилдагидеми? Танланган мавзулар болаларнинг олам ҳақидаги тасавурларини, Ватанга садоқат, дўстлик, меҳр-оқибат, саховат тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қиляптими? Бундай савол нафақат театр санъати намояндаларини, балки ўз миллати келажagini ўйлаган ҳар бир одамни ўйлантиради. 2009 йилнинг декабрида Андижон шаҳрида, 2013 йил ноябрида эса Самарқандда ўтказилган Ўзбекистон қўғирчоқ театrlарининг аънанавий кўрик-фестивалларида қатнашиб, мамлакатимизда фаолият юритаётган ўн та қўғирчоқ театри спектаклларини кузатдим. Шу-бҳасиз, бундай кўрик-фестиваллар ҳар жиҳатдан фойдали ва ибратлидир. Ҳамкасбларнинг тажриба алмашиши, спектаклларни таҳлил этиш, ижодий жараёнлар кўламини ўрганишда бундай тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Ҳар иккала кўрик-фестивални кузатиб амин бўлдимки, қўғирчоқбозларимиз қизгин фаолият олиб бораётганларига қарамай, бу соҳада ҳали ечимини қўтиб турган вази-фалар оз эмас. Орадан йиллар ўтган бўлса-да, репертуар танлаш, декорация қўриш, қўғирчоқлар тайёрлаш ва уни ҳаракатлантириш, овозлаштириш борасида ҳамон жиҳдий ўзгаришлар кўзга ташланмапти. Номлаштириш турлича бўлган спектакллар, айнан бўлмаса-да, мазмунан бир-бирига ўхшаш. Ёш томошабинларга тақдим этилаётган сахна асарларидаги ғоялар, талқинлар жўн, мавзулар кўламини чеклагани кишини ташвишга солади.

Баҳолади. Масалан, Жиззах вилоят қўғирчоқ театрининг Рушана Қайом асари асосида Р.Алиев сахналаштирган “Яшна бўстони, яшна!” дея номланган спектакли юқори баҳолашиб, мазкур сахна асарининг мавзуси табиат муҳофазасига оид дея эътироф этилди. Асарнинг қисқа мазмунини шуки, ўқувчилар мактаб атрофидаги қаровсиз ерни ўз қўчлари билан ўзлаштириб, бўстонга айлантиришга аҳд қиладилар. Бир жиҳатдан болакайларнинг бу иши таҳсинга лойиқ. Лекин бу ерни макон қўтиб келган Кузгун, Қарға, Қўрсичқон “ўз худудларини” қайтариб олишга киришадилар. Ўқувчилар ўзлари бунёд этган бўстонни қўриқлаш ва зарарку-нандаларни йўқотиш учун мактаб ҳовлисида елкага милтиқ осиб юрадилар. Уларнинг қарсиллатиб ўқ узиши ёш томоша-бинлар онгига қандай тушунча уйғотади? Ҳакамлар бундай ҳолатларга эътибор бермасдан спектаклга ижобий баҳо бери-ши галати туюлади.

Худди шундай ҳолатни Фарғона вилоят қўғирчоқ театрининг Алишер Навоий достони мотивлар асосида драматург И.Турсунов сценарийси бўйича қўйилган “Лайли ва Мажнун” спектакли мисолида ҳам кўриш мумкин. Режиссёр Ҳ.Ҳакимов сахнага олиб чиққан ушбу спектаклнинг кўламини кенг. Қўғирчоқлар

ни юксалтириш, бадиий-эстетик дидини ўстириш, уларни вафо-садоқат руҳида тарбиялаш, энг муҳими, гўзаллигини ҳис этиши-да муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур сахна асари салбий баҳо олди. Ҳакамлар ҳайъати бу спек-таклни “қўғирчоқ театри сахна-сига тўғри келмаслиги” учун эътибордан соқит қилгани йўқ. Аксинча, декорациялар “алла-қайси спектаклдан олинган”, “бу усул аввал қўлланган”, “бола-ларга мўлжалланган спектакл тўсиқ ортида эмас, катта сахна-да ўйнайди” каби важлар рўқас қилинди. Агар спектакл декор-ациялари Ўзбекистон санъат ар-боби, профессор Шўҳрат Абду-маликов раҳбарлигида яратил-ганини назарда тутадиган бўл-сак, бу “айблов”нинг асоси-из эканлиги аён бўлади. Хуллас, қўғирчоқбозликнинг аънанавий усулларини унутмаган ҳолда со-ҳада кичкинагина янгилик қилишга интилган театр жамо-сининг дадил ташаббуси эъти-борга олинмади.

Самарқандда ўтган фестивал эса ташкилий ва савия жиҳа-тидан аввалгисидан бир қадр юқорирак бўлди. Аксарият сах-на асарлари режиссура, сцено-графия, ижро маҳорати жиҳа-тидан бир қадр жонли ҳамда қизи-қарли чиққан. Қўғирчоқ театри хусусиятларига, сахна қонун-қоидаларига мувофиқ тарзда тайёрланган. Аммо мазмун ва

мун ва мантиққа мос келмайдиган ҳолатлар мавжудлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Ёвуз ниятли Илон, Чигиртка ва Қўрсичқон Тандир она томонидан аёвсиз ёндириб юборилиши, олов ичра ўчта жониворнинг жизғанақ бўлишини ёш болалар қандай қабул қили-шади? Истаимизми-йўқми, бун-дай жазолаш ҳолатини сахнада очик-ойдин кўрсатиш бола ру-ҳиятига салбий таъсир этади. Бола кўрганга ишонади, эрга-шади ва тақлид қилади.

Бухоро ви-лоят қўғирчоқ театри тақдим этган муаллиф ва сахналаштирувчи режиссёр Мунжот Эргашеванинг “Оҳанг ва офат” спектакли долзарб мавзу кўтарилгани боис, барча-нинг диққат марказида бўлди. Спектакл ижодкорлари миллий чолғуларимиз ва хорик мусиқий асбоблари ўртасидаги фарқни кўрсатиш орқали кескин кон-фликтли сахнавий талқин ярата олганлар. Миллий чолғу созла-

Афсуски, бухоролик қўғирчоқ-бозлар қўллаган ечим ижобий топилма сифатида ўзини оқла-маган. Чунки Бах, Моцарт, Бет-ховен асарлари сахна ортидан эшиттирилиб турилади. Агар сахнада намойиш этилаётган чолғу созлари ёмонлиги туфай-ли миллий чолғуларимизни йўлдан ўраётган экан, унда нега айнан улар иштирокида яратил-ган дилбар қўйлар асл ҳолига спектакл давомида янграб тур-ди? Бу қўш қўяман, деб қўз чи-қаришга ўхшади. Тўғри, “Оҳанг

Талқин ва таҳлил

ва офат”, “Тандир она сахова-ти” спектакллари маълум маъ-нода режиссёр ҳаёлотининг махсули. Аммо ҳар қандай асар эзгуликни ифодаласанига гўзал бўлади. Албатта, бу сахнавий тал-қинларда янгиликка интилиш бор. Аммо мазмун ва спектакл-дан келиб чиқадиган хулоса бола тарбиясига зид.

Қўғирчоқ — бола учун шунча-



ки овуноқ, оддий ўйинчоқ. Аммо катталар қўлида у муҳим тарбия воситаси. Чунки қўғирчоқлар, ас-лида, олиб борилаётган тарбия-вий жараёнларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Айрим спек-таклларда кўриллиликни кучай-тириш мақсадида замонавий тех-ник ва бошқа самарали воси-талар (масалан: аланга, олов ёки, тутун бурқситиш, кип-қизил бўлиб ёнғич қўзлар, пор-тлаш, нурлар, қарсиллатиб ўқ отишлар, қўрқинчи махлуклар, ўзга сайёраликларнинг ўта хунук ва беўхшов қиёфалари в.х.д)дан фойдаланишга зўр берилиб, мавзу ва мазмун унутилмапти. Бола руҳиятига салбий таъсир этувчи қиёфалар акс этган спек-такллар пайдо бўляпти.

Шуни унутмайликки, бугунги куннинг боласи ҳар жиҳатдан фаол. У театрдан ташқари яна ўнлаб манбалардан “маънавий озик” оляпти. Болаларнинг ду-неқарашини кенгайтиб, тушунча-ларни доираси ўзгариб борапти. Қўғирчоқ театрларида ижод қилётган санъаткорлар шулар-нинг барини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритишлари ло-зим. Шундагина ёш томошабин қалбини забт этиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Тўра ҚОБИЛ,
драматург

Тадбир

Сўнгги йилларда Бастакорлар уюшма-си ва унинг аъзолари мамлакатимиз ма-данний ҳаётида, юртимизда ўтказилаётган байрамлар ва тадбирларда ҳар қачонгидан ҳам фаол қатнаш-моқда. Композиторларимиз асарлари Мустиқиллик ва Наврўз тан-таналарида, бошқа давлат тадбирларида, йирик концерт залла-рида янграмоқда.

Ёш истеъодларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қув-ватлаш, уларнинг ижодий изланишларига йўналиш бериш мақ-садида ўтказиб келинаётган Назира Аҳмедова номидаги хонан-далар танлови, “Давр садолари” мусиқа фестивали, ёш баста-корлар ва мусиқашуносларнинг республика танловлари яхши са-мара бермоқда. Уюшма халқаро ижодий алоқаларга ҳам алоҳи-да эътибор қаратмоқда. Қўллаб таърибли ва ёш мусиқачилар-нинг нуфузли халқаро танловлар ҳамда фестивалларда муваф-фақиятли қатнашиб, юксак натижаларни қўлга киритаётганлари бунинг далилидир.

ИЖОДИЙ ҲИСОБОТ

Кенг жамоатчилики классик мусиқа намуналари, хусусан, опера санъати ва чолғу мусиқаси билан таништириш мақсади-да телевидение орқали мунтазам бериб борилаётган “Жаҳон мусиқа хазинасидан” кўрсатуви бевосита Бастакорлар уюшма-си саъй-ҳаракатининг натижасидир. Уюшма қошидаги ижодий шўъбалар ўз таркибига қўллаб таниқли ва ёш истеъодли ижод-корларни бирлаштирган ҳолда давр талаблари асосида иш олиб бормоқда. Айниқса, вилоятлардаги мусиқа намояндаларини бир-лаштириш, улар ижодини қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш мақсадида вилоятларда уюшманинг бўлимлари очилаётгани қувонарлидир. Ҳозир Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарёда шун-дай бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

Албатта, ҳали уюшма олдиди амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кўп. Биринчи навбатда, барча вилоятларда уюшма бўлимларини ташкил этиш, ёш истеъодларнинг янада самара-ли ижод қилишини таъминлаш, ана Ватан, юрт ҳақида бадиий баркамол кўшиқлар қўпайишига ҳисса қўшиш каби эзгу ишлар давом этади.

Яқинда Бастакорлар уюшмасида бўлиб ўтган анжуманда ана шу ҳақда сўз борди. Уюшма раиси баҳарилган ташкилий-ижо-дий ишлар ҳақида ҳисобот берди. Шунингдек, йиғилишда уюш-манинг янги таҳрирдаги Низом муҳокама қилинди. Анжуманда Рустам Абдуллаев Бастакорлар уюшмаси раиси этиб сайланди.


Кўргазма залларида

ХИТОЙ МАНЗАРАЛАРИ

Тошкент Фотосуратлар уйида “Дилрабо Сямин” деб номлан-ган фотокўргазма очилди. Унда хитойлик Чен Ченг, Ли Лавхан, Ли Кайконг каби моҳир фотосурат-чиларнинг Хитой Халқ Республи-касининг Сяминь шаҳрини таран-нум этувчи турли мавзудаги су-ратлари намойиш этилмоқда.

Суратларда қадимий ва за-монавий бинолар, кенг кўчалар, ям-яшил орол турли кўриниш-ларда талқин этилган. Миллий байрамдаги шодонлар, кенг кўчаларни тўлдириб кетаётган шаҳар одамлари акс этган су-ратлар табиийлиги билан диқ-қатни тартади. Сяминь шаҳри миллий ҳақрамонига ўрнатил-ган ҳайкал, юз йиллик тарихга

С.КОСИМОВА



Мен дунёни кашф этган макон

Ўзбекистон Бадиий акаде-мияси мамлака-тимизда фаоли-ят юритувчи Британия уюш-маси билан ҳам-корликда “Мен дунёни кашф эт-ган макон” ном-ли фотоасарлар танловини ўтказмоқда. Ижодий беллашувда профессионал фоторассомлар билан бир қаторда ёш ҳаваскорлар ҳам ўз истеъодини синаб кўради.

Айни пайтда танловнинг биринчи босқичи — фотоасарларни қабул қилиш жараёни якунлан-ди. Барча ижод намуналари Британия уюшма-сининг “Facebook” ижтимоий тармоғидаги са-ҳифасида намойиш этилаётди. Энг яхши иш-лар томошабинлар томонидан виртуал овоз бе-риш орқали аниқланади. Дарвоқе, танлов голиблари шу йилнинг октябр ойида пойтах-тимизда бўлиб ўтадиган VII Халқаро фотоби-енналеда ўз асарларини намойиш қилиш им-кониятини қўлга киритади.

Халқаро кинофестивал

21 сентябр кўни Анапада XXIII халқаро ки-нофестивал ўз ишини бошлайди. “Киношок” номи билан машҳур бўлган ушбу анжуманда

мамлакатимиз киноижодкорлари ҳам муваф-фақиятли иштирок этиб келаётгани мусо-лисларга маълум. Бу йил фестивалнинг асосий танлови доирасида Мансур Абдухолиқовнинг “Қудук” фильми намойиш этилса, “бадиий те-лефильмлар” йўналишида Жаовхир Қосимов-нинг “Кўргим келади” картинаси томошабин-лар эътиборига ҳавола этилади.

Ўзбек рангтасвири Сеулда

Халқаро фестивалда болалар учун яратил-ган сара филмлар намойиши ҳам ўтказила-ди. Мазкур йўналишда Рашид Маликовнинг “Тоға” фильми ўзбек киноижодкорлари номи-дан иштирок этади. Таъкидлаш лозимки, “Тоға” яқинда Иркутск шаҳрида ўтказилган “Ойла даврасида” халқаро фестивалида Гран-прига сазовор бўлган.

риф буюрган муҳлислар, таниқли маданият ва санъат арбоблари, Корея ҳукумати аъзо-лари Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимиз, юртимизнинг гўзал табиат манзаралари акс этган мафтункор картина-лар билан танишдилар.

Кўргазмада иштирок этган корейлик маш-ҳур мусаввир Ан Сонг Ваннинг таъкидлаши-ча, ушбу намойишда қатнашган муҳлислар халқимизнинг қадимий тарихи, урф-одатла-ри билан юзлашишди. Шунингдек, санъат их-лосмандлари ўзбек рассомларининг ижодий салоҳияти, услуб ва йўналишлари билан ҳам яқиндан танишишди. Шубҳа йўқки, бундай кўргазмалар ўзбек ва корей рассомлари-нинг ижодий ҳамкорлигига хизмат қиладиган ўзига хос қўприкка айланади.

“Бронза фил” Тошкенбоевларга

Мустиқиллик шарофати билан ўзбек цирки халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллади. Ху-сусан, бир ярим аср мобайнида миллий дорбоз-лик санъати аънаналарини ривожлантириб ке-лаётган Тошкенбоевлар сулоласининг ёш вақил-лари Европа ва Осиё мамлакатларида ўз санъа-тини намойиш этишмоқда. Бир қатор халқаро цирк фестивалларида қатнашиб, фатоҳли ўрин-ларни эгаллашмоқда.

Шу йил 4-7 сентябр кунлари Юрий Никулин номидаги Москва циркида ўн учинчи халқаро ёшлар цирк фестивали бўлиб ўтди. Бу ерда ака-

ука Беҳзод ва Жамшид Тошкенбоевлар АҚШ, Канада, Франция, Германия, Исроил, Хитой, Япония каби мамлакатлардан ташриф буюрган таниқли цирк усталари билан куч синашиб, шоҳ-супанинг учинчи поғонасини эгаллашди ва “Бронза фил” совринини қўлга киритишди.

“Опас ва яқин Уммон” юлаузалари

Шу кунларда пойтахтимизда Уммон мада-нияти кунлари қизгин давом этмоқда. Тему-рийлар тарихи давлат музейида ташкил этил-ган кўргазмага ҳамонан тарзда Гафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида “Ум-мон юлдазлари” фольклор-этнографик ансам-блининг концерт дастури бўлиб ўтди.

Тадбир давомида йиғилганлар эътиборига Уммон халқининг қадимий урф-одат ва аъна-налари, миллий либосларию кий-қўшқилари асо-сида сахналаштирилган мусиқий композиция-лар тақдим этилди. Айниқса, гўзал хатти-ҳара-катларга бой, жўшқун руҳдаги миллий рақслар муҳлислар олқишига сазовор бўлди. Концерт да-стури няхосида “Уммон юлдазлари” ансамбли бадиий раҳбари Абу бин Абдуллоҳ сўзга чиқиб, йиғилганларни мамлакатимиз мустиқилигининг 23 йиллиги билан самимий қўтлади.

Болалар танлови

Бангкокда “Таиланд Киро-ли кубоги” деб ном олган V хал-қаро спорт рақ-слари танлови бўлиб ўтди. Бо-лалар рақс жа-моалари ўртаси-да ўтказилувчи ушбу ижодий беллашувда бу йил ўттиз бешдан ортик мам-лакатдан ташриф буюрган икки юз тўқсонга яқин ёш иқтидор эгалари ўз маҳоратини на-мойиш этишди. Улар орасида, айниқса, ўзбекистонлик болаларнинг ижодий чиқиш-лари юқори эътирофга сазовор бўлди.

Давид Айларов ва Амалия Аминова жуфт-лиги тўртта олтин медал ҳамда иккита ку-бок соҳибига айланган бўлса, Достон Ўкта-мов ва Викторина Шин жуфтлиги иккита ку-муш медалга сазовор бўлди. Танловда юр-тимиздан жами бешта рақс жуфтлиги иш-тирок этиб, улар ўнга яқин совринли ўрин-ларни қўлга киритди.

Абдураззоқ ОБРҲЙ

Пародиялар

МЕН СИЗНИ ЯХШИ БИЛАМАН

ҲИЛАБ ҚОЛДИМ

Ҳилаб қолдим: мен ўзи ким?
Саксовулми ё терак?
МАРҲАБО, «Ўзим билан танишув».

Ҳилаб қолдим: мен ўзи ким?
Бодрингми ёки саби?
Билман, нега харидор жим,
Демоқдами, йўқ мағиз?
Ҳилаб қолдим: мен ўзи ким?
Кулупной, помидори?
Кўп еманглар, илтимосим,
Ўн тагимда йўқ дори.
Ҳилаб қолдим: мен ўзи ким?
Кўксултонми ё ўрик?
Тўйиб еса ҳам болалар,
Бўлгани йўқ ичбуруқ.
Ҳилаб қолдим: мен ўзи ким?
Тарвузмани ё қовун?
Кўпиртириб юбордим сал,
Демак, яхши кир совун.
Ҳилаб қолдим: мен ўзи ким?
Марҳабом, меваман?
Шундай чалқаш савол бериб,
Шеър ёзишни севаман.

СИНОВЧИ
ҲИДЛОВЧИ

О, Нилуфар, сочими сила,
Ўлдирса ҳам майли бармоғинг.

Сочларинг савдоси ўлдирар, Раъно,
Нозларинг гавғоси ўлдирар, Раъно.

Қалбимга ўзингсан подшо,
Гулираъно, Гулираъно.

Насибам, юракка ошно бўлди ғам,
Насибам, сени деб кўзларимда нам.

Бу муҳаббат,
Кўнғилда хат,
Кетма фақат,
О, Сабоҳат!

Аҳад ҚАЮМнинг «Нилуфар»,
«Сочларинг савдоси ўлдирар, Раъно»,
«Ногоҳларинг дунё, дунё», «Насибам» ва
«Дилдаги дард» шеърларидан.

Севиб қилиб беш қизни;
Ашғор битдим исмига.
Танишаск бас, ёзаман,
Кейин қолган қисмига.
Қизлар жуда бисёр-ку,

Муҳаббат бор, Гули бор.
Марҳабохон деганинг
Отасининг пули бор.
Дўмбоқина Халима,
Турибди у запасда.
Чорласа гар Салима,
Шеър тайёр бир нафасда.
Бўйга етиб қолибди,
Кўшним қизи Азиза.
Қийиб кўйгум мақтовни,
Сўзга деманг ҳасис-а.
Ҳар гулни мен шунақа,
Бир бор ҳидлаб кўраман.
Шу синовчи ҳидловчи
Аҳад ҚАЮМ бўламан.

РАҚАМЛАНГАН
СЕВГИ

Жоним, сенда анор икки юз,
Ошиқларинг юзмас, икки юз.
Баҳодир ОБИД, «Ошиқларинг юзмас,
икки юз».

Мен жуда устаман хитобга,
Мен жуда устаман ҳисобга.
Ёримга шайдо кўп акамлар,
Ёрдамга келади рақамлар.
Барчасин тутаман қармоқда,
Сонини санайман бармоқда.
У кўзга жа яқин қиз бўлган,
Ошиғи нақд икки юз бўлган.
Бир, икки — билламан барини,
Ошиғин билмас ким ёрини.
Тақаман ортига рақамни,
Топмайси мендайн ҳақамни.
Мен сизни ҳам яхши билламан,
Бурилиб, рақамни иламан.

ЕГАНИМ ИЧИМГА
ТУШМАЙДИ

Еганим ичимга тушмайди, нетай,
Дардларим, жонгизам, кимларга айтмай?
Шухрат ТОИРОВА, «Изҳор».

Қанча овқат емайин,
Қорним сира ишмайди.
Кўп галати, еганим
Ҳан ичимга тушмайди:
Ёшлгимдан шунақа,
Иштаҳаси зўрман мен.
Недир бўлар оғзимда,
Жуда овқатхўрман мен.



Оғзимга солиб роса,
Чайнаганим билламан.
Қорнимда ҳеч вақо йўқ,
Ушлаб кўриб куламан.
Еб тўймайсиз, деб мени,
Хотиним ҳам уришар.
Шунча еган овқатим,
Билламан, қасрга тушар?
Борган эдим табибга:
— Қорнингиз ўра, — деди.
— Биллади Шухрат Тоир,
Ушандан сўра, — деди.

КИМНИ СЕВСАМ?..

Гул тутдим Гулхуморга,
Дил тутдим Дилхуморга,
Айтманглар Зулхуморга,
Кимни севам бўларкан?
Фатхулло МАМАТҚУЛОВ, «Кимни
севсам бўларкан?»

Кутулдим Салимадан,
Арзим бор Олимадан,
Қарим бор Халимадан,
Кимни севам бўларкан?
Кўшнимиздир Дилдора,
Сал олисда Гулнора,
Тўлагина Гулсара,
Кимни севам бўларкан?
Раънохон якка, ёлғиз,
Барнохон катта оғиз,
Донохон қора мағиз,
Кимни севам бўларкан?
Дилсоранинг бели бор,
Хонзоланинг ери бор,
Озоданинг эри бор,
Кимни севам бўларкан?
Ёқали Лоласи ҳам,
Ёқали холаси ҳам,
Гулининг бор боласи ҳам,
Кимни севам бўларкан?..

МУСИҚИЙ АХБОРОТ

Оқишомлари ёлғиз ётган, Маликам.
«Қўшиқ»дан.

Маликани пойлаб юраман,
Орқасидан ойнаб юраман.
Ҳар кун ишга бориб келади,
Гоҳо жуда ҳориб келади.
Сим қоқмасдан ўртоғига у,
Кириб кетар ётоғига у.
Ётиб ётиқни кучоқлайди,
Каминангиз кўриб, додлайди,
Ётиқ танасига ботади,
Нега ахир ёлғиз ётади?!

ШОИР БҲЛАЙ ДЕСАНГ
— ҲИЛАМНА

Биз эса Ҳилаб, шоир бўлганмиз,
Шундан ижодимиз савияси паст.
Оила таълими, бола-чақадан
Айриша олаётган юртимиз қараёт.
ЧОРШАМЪ «Шоирлар ва Ҳилаб».

Ҳилабнингми, шоирлиқни унут шарт,
Бало борми энди ашғор битмоққа.
Шоир бўлсанг, ростдан бўлсанг, агар мард,
Ҳилабмағил, тушиб қолма сиртмоққа.
Ҳотинсиз шоирнинг эрки ўзида,
Дадиллик бўлади айтар сўзида.

Ҳилабдан шоирдан илҳом қочади,
Тополмайди қалаванинг учини.
Рўзгор деган ғор бағрини очади,
Сўриб олар қувватини, кучини.
Ҳотинсиз шоирда талант бўлади,
Шеърин савияси баланд бўлади.

Ишонмасанг, шоир Чоршамъдан сўра,
Бўйдоқ чоғи шеър ёзмайди зўр, шаҳ — шаҳ.
Энди ёзганлари тузсизмани, жўра,
Шоир учун Ҳилабни даҳшат, даҳшат.
Ҳотин: — Кимга шеър керак?
— дейди доим,
— Менга пулдор эр керак, — дейди доим.

Абдураззоқ ОБРҲЙ 1956 йили Самарқандда ту-
ғилган. Москва давлат университетининг журналист-
тика факультетини тамомлаган. Ўзбекистонда хиз-
мат кўрсатган журналист. «Ҳўллам-тўллам», «Аёл-
нинг қулоғи», «Тухумнинг қудратини», «Уч нўқта» син-
гари ҳажвий китоблари чоп этилган.

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДАБИЁТИ
ЯНГИЛИКЛАРИ
Ёкутистон муҳаббати

Таниқли ёкут адабиси Ариадна Борисова Василий Гросманн, Александр Солженицын аънаналари давом-
чиси. Яқинда унинг «Илон-устун» романи чоп этил-
ди. «Уйқудан олдинги эртақлар», «Фантазия париси туҳ-
фаси», «Тангри», «Авлодларимга мактублар» каби роман
ва қиссалари ҳам қизиқиш билан ўқилади. Адиба уч
юздан ортиқ ёкут, звенкий, югакир ижодкорлари асар-
ларини таржима қилган. Унинг болалар ва ўсмирлар учун
ёзган ўндан ортиқ асарлари халқаро мукофотларга са-
зовор бўлган.

Ариадна Борисова ўзини Узоқ Шарқда яшовчи етти
қавмининг авлоди ҳисоблайди. Шарқий Сибир маданият
институтини тахсил олган. Ҳикоялари «Кутб юлдузи» жур-
налида босилган. «Ёкутистон» газетасида фаолият олиб
борган. 2000 йил 29 декабрда Ёкутистоннинг XX асрда-
ги сўнгги ёзувчиси сифатида қайд қилинган. Адибанинг
янги романи боқий муҳаббат ҳақида бўлиб, Литванинг
уруш даври манзараларини гавдалантиради. Кинотеатр
ёнидаги насронийлар орасида ўсган етим қиз Мария
Хаим исмли йигитчани ёқтиради. Бироқ бахтли дамлар
узоққа чўзилмайди: дастлаб Хаимнинг онаси бу муҳаб-
батга қарши бўлади, кўп ўтмай Европага фашизм соя
солади; сўнг Литва шўролар тасарруфига ўтиб, қатагон-
лар бошланади. Севишганларни собиқ буржуйлар деб
Ер юзининг энг чеккасига — денгиз ва тундра билан ўрал-
ган Ёкут бурнига бадарга қилишади. Ўз юртида кўни-
кўшни яшаган одамлар энди совуқ ва туздан ёрилган қўл-
оёқда муздай денгиздан балиқ тутишади. Қанчалик ма-
шаққат тортмасин, бир амаллаб баҳоргача етиб олишга
ҳаракат қилишади. Артел бошлиғи Тугарин Ҳилаб топган
жазо ва Ҳилаб-найранлар, очлик ва чидаб бўлмас ма-
шаққат боис одамлар тўп-тўп бўлиб ўлиб кетаётган бир
шароитда Мария ва Хаимни улар қалбидаги соф муҳаб-
бат асраб қолади.

Янги роман

Норвегиялик машҳур адиб Эрленд Лу «Аёл ҳукми ос-
тида», «Гўллик. Супер», «Энг яхши мамлакат», «Курт
ҳақида эртақ», «Ҳачир» сингари кўплаб замонавий бо-
зори чаққон асарлар муаллифи. Яқинда унинг «Ҳисоб-
китоб» деб аталган янги романи кўп минг нусхада бо-
силиб чиқди. Асар бош қаҳрамони ўз вақтида Сканди-
навия бош адабий мукофотиға муносиб кўрилмаган
шоира Нина Фабер. У анчалар назокатли шеърят со-
ҳибаси бўлиб, замоннинг ўткинчи шамолларига эъти-
бориёз қарайди. Кўп йиллар дом-дарақеъ кетган шои-
ра нихоят орадан ўн йиллар ўтиб, кутилмаганда сукут-
ни бузади ва «Босфор» деб аталган янги шеърини тўпла-
мини чоп этади...

Марсадаги ёлғиз киши

«Марсадаги одам» ўн беш ёшидан дастур тузувчи му-
ҳандис бўлган америкалик адиб Энди Вейернинг илк ро-
манидир. Асар воқеалари Марсда бўлиб ўтади. Релятив
физика (воқелиқни объектив билиш мумкинлигини ин-
кор этадиган тутум), орбитал механика, бошқарилади-
ган космонавтика тарихи билан қизиқиш келатган адиб-
нинг ушбу асари фантастика ишқибозларида катта қизи-
қиш уйғотмоқда. Ёпирилиб келатган кўп бўрони туфайли
«қизил сайёра»ни фавқуллоҳда тарқ этишга мажбур бўлган
«Арес-3» кемаси астронавти, муҳандис ва биолог Марк
Уотни Марсда қолиб кетади. Шериклари кўп бўрони пай-
тида скафандри шикастлангани учун уни ўлган, деб
ҳисоблашади. Уотни ҳушига келгач, Ер билан алоқа
йўқлигини, бироқ сайёра юзасидаги муваққат уйча тўқис
фаолиятда эканини англайди. У қолган озиқ-овқат, дар-
мондорилар, сув ва ҳаво захираларини ҳисоблаб кўриб,
яна тўрт йилдан сўнг наватдаги «Арес-4» кемаси кел-
гунча яшаб туришга имкон қидиради... «Fox» компания-
си ушбу асарни экранлаштириш ҳуқуқини сотиб олди.
Режиссёр Ридли Скотт суратга оладиган ва Мэтт Дей-
мон бош ролни ижро этадиган филм келаси йили экран-
ларга чиқади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини бўш (вакант) ўринларга кафедра-
лар бўйича кафедра мудир, профессор,
доцент, катта ўқитувчи лавозимларига танлов
эълон қилади: «Санъатшунослик ва маданият-
шунослик» кафедраси кафедра мудир — фан
номзоди (1), «Чолпу ижрочилиги» кафедраси
— профессор (1), «Қўғирчоқ театр санъати»
кафедраси — доцент (1), «Тиллар ва адабиёт»
кафедраси — катта ўқитувчи (1), «Саҳна
нутқи» кафедраси — катта ўқитувчи (1)

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ
ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. Ректор номига ариза;
2. Ишловчининг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом
нусахалари;
4. Паспорт нусахаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган
ҳолда);
6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусахаси;
7. Меҳнат дафтарчасининг нусахаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул
қилинади.

Манзили: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127 «а»-уй.
Телефонлар: 230-28-02, 230-28-11.

КУЛГИ ОРТИДАГИ ҲАЁТ

Тақдимот



Кино санъати шундай
рамзий хусусиятга эгаки,
бир қарашда оддий бўлиб
туялган кулгули воқеалар
замирида томошабинларни
мулоҳаза чорлашга қодир
ҳаёт ҳақиқатлари ҳақида
сўз юритиш мумкин. Али-
шер Навоий номидаги кино
саройида тақдироти бўлиб
ўтган «Тоға» бадиий фильми
ҳам ана шундай кенг қам-
ровли ёндашув асосида
яратилган. Томошабинлар
ушбу киноасарда комедия
ва драма жанрларининг
ўзига хос уйғунлашувини
кўриши мумкин.

Рашид Маликов режис-
сёрлигида суратга олинган
картина воқеалари ўтган
асрининг саксонинчи йилла-
ри охирида, Бухорода
бўлиб ўтади. Санжар (Аб-
бос Нигматов) исмли жажжи болақай ёзги таътил пайти-
да тоғасиникида меҳмон бўлади. Унинг тоғаси бўлмиш
Жумаш (Бобур Йўлдошев) гарчи қувноқ, ҳазилкаш одам
бўлса-да, юрагининг бир чеккаси кемтик, яъни унинг оила-
сида фарзанд йўқ. Шу боис жиянини еру қўққа ишонмай,
доим ўзи билан етаклаб юради. Натигада, болақай тоға-
си бошдан кенчирадиган қизикарли саргузаштлар ишти-
роксига айланади. Жумаш баъзан ножойиз ишларга ҳам
қўл уради. Лекин охир-оқибат ўз хатоларини тушуниб етиб,
жиянига ҳаётда ҳалол яшаш лозимлигини насиҳат қила-
ди. Санжар катталар ҳаётини кузатиш орқали ўзи учун
сабоқ олади. Ёзги таътил чоғидаги саргузаштлар маълум
маънода унинг келажақда мохир шахматчи бўлиб етиши-
шига туртки беради.

Филмда асосий ролларни Бобур Йўлдошев, Аббос Ниг-
матов, Убайдулло Омон, Борис Гафуров, Нигора Карим-
боева, Феруза Собитова, Али Чориев, Раъно Шодиева,
Беҳзод Ҳамроев каби актёрлар ижро этган.

Дилдора БЕРДИБЕКОВА

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБҲОТ ТАРҚАТУВЧИ»
АКЦИЈДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
info@uzas.uz, uzas@mc.uz

Тақид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган кўлэмалар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулҳебра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Зафар РҲЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 4730 Буюртма Г — 957. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2381-614X

